

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
СОҒЛИҚНИ САҚЛАШ ВАЗИРЛИГИ
ТОШКЕНТ ФАРМАЦЕВТИКА ИНСТИТУТИ

“ФАРМАЦИЯДА ТАЪЛИМ, ФАН
ВА ИШЛАБ ЧИҚАРИШНИНГ
ДОЛЗАРБ МАСАЛАЛАРИ”

ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН
МАТЕРИАЛЛАРИ

МАТЕРИАЛЫ
НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ

“АКТУАЛЬНЫЕ ВОПРОСЫ
ОБРАЗОВАНИЯ, НАУКИ
И ПРОИЗВОДСТВА В ФАРМАЦИИ”

Таҳрир ҳайъати:

Раис: Юнусхўжаев АН.

Аъзолар: Шабилолов А.А.
Аминов С.Н.
Расулова С.А.
Файзуллаева Н.С.

Мелифлос йиғмасидан суюқ, қуюқ ва қуруқ экстракт олиш борасидаги тадқиқотлар

С.Т Шарипова, Х.М.Юнусова

Тошкент фармацевтика институти, Тошкент ш., Ўзбекистон Республикаси

Ишнинг мақсади: дуккакдошлар-Fabaceae оиласига мансуб доривор қашқарбеда (*Melilotus officinalis*) ва астрадошлар - Asteraceae оиласига хос бўлган тубулғабаргли буймадарон (*Achillea Millefolium L*) ўсимликлари ер устки қисмлари мажмуасидан иборат “Мелифлос” йиғмасидан суюқ, қуюқ ва қуруқ экстракт олиш ва унинг асосида қуруқ экстракт олиш усулини танлаш ва олинган экстрактларни баҳолаш мақсад қилиб олинди.

Усуллар: тадқиқотлар ДФ сида, техник ҳужжатларда ва адабиётларда келтирилган усуллар бўйича олиб борилди. Мазкур йиғмадан қуйидаги бир неча хил ажратма олиш усулларида 40%, 70% спирт ва сув ёрдамида: перколяция, мацерация, ВНИИФ ва бисмацерация каби усулларида ажратмалар олинди. Барча олинган ажратмаларни алоҳида ёт моддалардан 8-100 С юқори бўлмаган ҳароратда бир неча кун (4-6 кун) тиндириб қўйиб, сузиш (филтрлаш) орқали тозаланди. Тозаланган ажратмаларни ажратмаларга қўйилган талаблар асосида ўрганилди. Бунда қуйидаги кўрсаткичлар: ажратманинг ташқи кўриниши, спирт қуввати, оғир металллар, биофаол моддалар миқдори кабилар ўрганилди. Сўнгра тозаланган ажратмани қуюқ ҳолга келгунча сув ҳаммомида 50-600 С ҳароратда 25% намлик қолгунча буғлатилди ва намлик, оғир металллар ва таъсир этувчи модда миқдори каби кўрсаткичлар ўрганилди. Ҳосил бўлган қуюқ экстракт вакуум қурутгич ёрдамида 40-500 С ҳароратда 5% намлик қолгунча қуритилди ва майдаланиб тешикларининг диаметри 0,3мм бўлган элақда эланди ва уларнинг талабга жавоб беришлиги ўрганилди.

Натижалар: юқорида келтирилган усулларда олинган сувли ажратмалар ичида бисмацерация усулида олинган сувли ажратма сон кўрсаткичлари бўйича (ташқи кўриниши, қуруқ қолдиқ (3,61%), спирт қуввати (66%) оғир металллар (0,01%дан кам) ва биофаол модда миқдори (98,99%)) талаб даражасида бўлди. “Мелифлос” қуруқ экстракти қўнғир рангли, ўзига хос ўткир ҳидли ва таҳир мазага эга эканлиги кузатилди. Унинг эрувчанлиги ўрганилганда сувда яхши, органик эритувчиларда эримайдиган гигроскопик қуқун эканлиги кўринди..

Хулосалар: олиб борилган тадқиқотлар асосида “Мелифлос” йиғмасидан суюқ, қуюқ ва қуруқ экстрактлар олиш усули танлаб олинди. “Мелифлос” йиғмаси ажратмасини олиш усулларида бисмацерация усулида олингани муайян эканлиги кузатилди. Улардан дори шакллари яратиш борасидаги тадқиқотлар давом этмоқда.